

## КОМПЛАЕНС НАЗОРАТИ – КОРРУПЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН НАЗОРАТ ТИЗИМИ ВОСИТАСИДИР

**Ахроров Комилжон Ёрқинович**

“Ўзбекнефтгаз” АЖ Молиявий ва комплаенс  
назорат департаменти бош мутахассиси

[Komilbek@bk.ru](mailto:Komilbek@bk.ru)

Тел: (90) 712-00-95

**Аннотация:** Коррупцияга қарши комплаенс назорати – давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун ва бошка меъёрий ҳуқуқий хужжатларга мувофиқ ташкил этувчи, коррупция хавф-хатарлари, манфаатлар тўқнашувини ўз вактида аниқлаш ва чек қўйиш, қонун бузилиши ва коррупцияга оид ҳукуқбузарликлар ҳақида хабар беришни ўзида мужассам этган профилактик тизимдир.

**Калит сўзлар:** Коррупцияга қарши курашиш, комплаенс, стандарт, манфаатлар тўқнашуви, хавф-хатар

**Abstract:** Anti-corruption compliance control - organizing the activities of state and economic management bodies, business entities in accordance with international standards in the field of combating corruption, laws and other regulatory legal documents, timely identification and prevention of corruption risks, conflicts of interest, violations of the law and corruption is a preventive system that includes reporting of violations.

**Key words:** Anti-corruption, compliance, control, standard, conflict of interest, risk

**Аннотация:** Антикоррупционный комплаенс-контроль – организация деятельности органов государственного и хозяйственного управления, субъектов предпринимательства в соответствии с международными стандартами в области противодействия коррупции, законами и другими нормативными правовыми документами, своевременное выявление и предотвращение коррупционных рисков, конфликта интересов, нарушений. Закона и коррупции представляет собой превентивную систему, которая включает в себя сообщение о нарушениях.

**Ключевые слова:** Антикоррупция, комплаенс, контроль, стандарт, конфликт интересов, риск.

Таъкидлаш жоизки, коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда коррупция кўринишларининг оқибати билан эмас, балки сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича халқаро тажрибада кенг қўлланилиб келаётган замонавий жиноятчиликни олдини олиш чораларни миллий амалиётга татбиқ этишни тақозо қилмоқда.

Бу ўринда ислоҳотларнинг чинакам натижадорлигига эришиш мақсадида давлат ва жамиятнинг ҳар бир соҳасида коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини изчил таъминлаб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июнданги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6013-сонли Фармонга асосан янги ташкил этилган Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг асосий вазифаларидан бири этиб барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан банкларда коррупцияга қарши ички идоравий назорат тизимларини босқичма-босқич жорий этиш белгиланди.

Давлатимизнинг коррупцияга қарши қонунчилигига комплаенс назорат тизими амалиётининг кириб келиши Ўзбекистон Республикаси 27.05.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПФ-5729-сонли Фармонида ушбу соҳада белгиланган асосий вазифалардан бири этиб, устав жамғармасида давлат улуши бўлган корхона ва ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш чораларини кучайтириш мақсадида коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат тизимини жорий этиш ва унинг самарадорлигини тизимли мониторингини амалга ошириш вазифаси белгиланди. Ушбу норматив хужжатларда илк бор комплаенс назорат тизимини миллий даражада жорий этиш масаласи кўтарилади.

Фармон асосида 2019 йилдан бошлаб БМТ Таракқиёт дастурининг “Ўзбекистонда самарали, ҳисоб берувчи ва ошкора бошқарув институтлари орқали коррупцияга қарши курашиш” лойиҳасини амалга ошириш доирасида Бош прокуратура, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда устав жамғармасида давлат улуши 100% ёки 50% дан юқори бўлган фаолияти хорижий бозор билан интеграциялашган бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида тажриба сифатида комплаенс назорат тизимини жорий этиш бўйича “White and Case” (АҚШ) ҳамда KPMG (Италия) халқаро аудиторлик компаниялари иштирокида халқаро тендер жараёнлари ўтказилди.

Коррупцияга қарши комплаенс назорати – давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий ҳуқуқий хужжатларга мувофиқ ташкил этувчи, коррупция хавф-хатарлари, манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва чек кўйиш, қонун бузилиши ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришни ўзида мужассам этган профилактик тизимдир.

Комплаенс назорат тизими илк бор АҚШда 1906 йилда вужудга келди. Бунга зарурият мамлакат иқтисодиётида хавфсизликни таъминлашга қаратилган компания ва корпорацияларнинг ташкил этилиши билан боғлиkdir.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бугунги кунларгача йирик компаниялар билан бўлган низоли вазиятлар (Volkswagen, Daimler, Siemens (Германия) Odenbrecht, Petrobras (Бразилия), Samsung Group, Hyundai Motor Co. (Корея Республикаси), BAE Systems (Буюк Британия), Baker Hughes Inc, Panalpina World Transport (АҚШ) ва бошқалар) хусусий секторда коррупцияга қурашиш тизимларни тубдан ислоҳ этишни тақозо қилди.

Комплаенс назорат тизимини жорий этиш бўйича самарали тажрибага эга мамлакатлар амалиётига мувофиқ ушбу хизмат энг кенг тарқалган қуйидаги иккита модели қўлланилади:

1. Компания ва ташкилот фаолиятини фақатгина мавжуд ўрнатилган ички қонун ва қоидаларга мувофиқ ташкил этишга қаратилади. Бунда комплаенс хизматини жорий этилиши минимал қоидалар билан чекланади.

2. Комплаенс назорат тизимининг ташкил этилиши коррупция хавфларни баҳолашда халқаро ташкилотларнинг (Базел банк қўмитасининг тавсиялари, Халқаро комплаенс ассоциацияси) тавсияларига асосланади ва бу моделда комплаенс хизматнинг мақоми, вазифаси, фаолият доираси асосан халқаро стандарт ва тавсияларга асосланади.

Мазкур икки моделнинг ўзаро фарқли жиҳати, биринчи моделда комплаенс назорат тизимини ўзида ташкил этаётган компания ёки ташкилот мавжуд қонунлик меъёрлари ёки ўзи ишлаб чиққан ички қоидалар билан тартибга солинади ва жорий этишнинг минимал талаблари билан чекланади.

Иккинчи моделда эса фаолиятни ташкил этиш нафақат миллий қонунчилик, балки халқаро стандартлар ва ташкилотларнинг тавсиялари асосида жорий этилади. Ушбу шаклда ички қонунчилик нормаларида кўзда тутилмаган коррупция хавфларига фаолият мос келадиган қўшимча профилактик қоидаларни жорий этиш мумкин бўлади.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат ва хусусий сектор иштирокчиларининг халқаро стандартлар ва қонун хужжатлари йуналишларига асосан самарали фаолият юритишни таъминловчи омиллардан бири ўз таркибида коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат (compliance control) тизимини ташкил этиш ҳисобланади.

Коррупцияга қарши комплаенс назорати — давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий хукукий хужжатларга мувофиқ ташкил этувчи, коррупция хавф-хатарлари, манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйиш, қонун бузилиши ва коррупцияга оид хукуқбузарликлар ҳақида хабар беришни ўзида мужассам этган профилактик тизимдир.

“Комплаенс назорат” тизимини жорий этишнинг қатор самарали омилларга хизмат қиласди. Жумладан, коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда уларни минимум даражага туширишга хизмат қиласди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки бугунги кунда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” хизматининг инновацион, самарали ва таъсирчанлиги каби жиҳатларидан инобатга олиниб, давлат ташкилотларда жорий этилаётганлиги, яқин даврда ушбу тизимни илмий-назарий ва қонунчилик асосида янада кенгрок ўрганишни тақозо этади ва юқорида келтирилган таҳлилий маълумотлар асосида қуидаги хулосаларни келтириш мақсаддага мувофиқ деб ўйлайман:

1. Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” хизматини жорий этишдан мақсад: коррупциявий хавф-хатарларни олдини олиш, бундай хавфлар мавжуд бўлган фаолият соҳаларини аниқлаш, таҳлил қилиш, манфаатлар тўқнашувини юзага келтирувчи омилларни хукукий, молиявий каби асосларда баҳолаш, давлат ва хусусий секторда фаолиятнинг самарали олиб борилишида комплекс тарзда уни турли хил хукукий, иқтисодий санкциялар ва бошқа хавфлардан тизимли ҳимоя этиш механизмини яратиш ҳамда фаолият имиджини бир маромда сақлаб туриш ҳисобланади.

2. Давлат улуси мавжуд ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” хизматини жорий этиш бўйича намунавий дастурини ишлаб чиқиш, унда барча учун намунавий минимал коррупциявий ҳолатларни олдини олишга қаратилган қоидаларни белгилаш ва улар томонидан бунда қўйидагиларга алоҳида эътибор бериш ўринли бўлади:

- коррупциявий хавф-хатарларини ўз вактида аниқлаш, уларга чек кўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда уларни минимум даражага тушириш;
- давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффоғлигини ошириш;
- ходимлар томонидан касбий одоб-аҳлоқ қоидаларига катъий риоя этиш ва хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бериш ҳамда уларни ҳал қилиш масалаларини тартибга солиш;
- коррупцияга қарши курашишда идоравий чора-тадбирларни амалга ошириш устидан ички назорат механизmlарини кучайтириш; - коррупцияга қарши курашиш соҳасида умум эътироф этилган ҳалкаро стандартлар ва чет эл ижобий тажрибаларини жорий этиш.

#### **Фойдаланилган хорижий манбалар:**

1. “ISO 37001 - Anti-bribery management systems”// <https://www.iso.org/ru/standard/62342.html>;
2. Primakov D. Compliance practices: anti-corruption, banking compliance, sanction compliance and asset tracing - M.: Infotropic media, 2019 <https://shop.infotropic.ru>

#### **Миллий қонунчилик манбалар:**

3. Ўзбекистон Республикасининг 03.01.2017 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни// <https://lex.uz/docs/3088008>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.05.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/4355387>;
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 06 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сон Қарори URL:<https://lex.uz/docs/5495533>;